

Видолашув ҳажи

18:57 / 28.04.2017 7044

Ўнинчи ҳижрий санада Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўзларининг Исломдаги биринчи ва охириги ҳажларини қилдилар. У зот бу ҳаждаги ҳатти ҳаракатлари ва айтган сўзлари билан бу ҳаж видолашув ҳажи эканини билдирдилар. Шунинг учун ҳам ушбу ҳаж тарихда «видолашув ҳажи» номи билан қолган. Ўта ишончили ровийлар видолашув ҳажининг тафсилотларини аниқлик билан ривоят қилганлар. Бу ҳаж Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам йўлга отланганларидан бошлаб то қайтиб келгунларича барчанинг диққат эътиборида бўлган. Ундаги ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз саҳобалар томонидан зийраклик билан ўрганилган, ёд олинган. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга видолашув ҳажида юз минг киши иштирок этган. Бу ўша вақтлар ўлчовида мисли кўрилмаган иш эди. Ана ўша одамлар ҳаммаси мазкур тарихий воқеанинг жонли гувоҳи бўлганлар.

Биз видолашув ҳажи борасидаги ривоятлар ичидан улуғ саҳобий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг ривоятларини ихтиёр қилдик. У киши видолашув ҳажида бориб келгунча Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг туяларини етакловчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам ҳар бир нарсани тартиб билан ёдлаб олганлар ва айтиб берганлар. Ушбу ҳадис Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳажларини тўлиқ васф қилувчи ҳадисдир.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ўзларидан Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳажлари ҳақида гапириб беришни сўровга жавобан тўққиз бармоқларини юмиб кўрсатиб туриб қуйидагиларни айтганлар:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам тўққиз йил ҳаж қилмай турдилар. Сўнгра ўнинчи йили одамлар ичида «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳаж қилурлар» деб эълон қилдирдилар. Мадийнага жуда кўп одамлар етиб келдилар. Уларнинг барчаси Расулulloҳ алайҳиссаломга иқтидо қилишни У зотнинг амалига ўхшаш амал қилишни хоҳлар эдилар.

Бас, У зот билан чиқиб Зул Ҳулайфага етиб келдик. Шу ерда Асмаа бинти Умайс Муҳаммад ибн Абу Бакрни туғди ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга «қандоқ қилай» деб одам юборди. У зот:

«Ғусл қилиб. Қонни тўсувчи кийим қўйиб олиб, эҳромга киравер», дедилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам масжидда намоз ўқидилар. Сўнг Қасвога миндилар. Қачонки туялари Байдоога тенглашганда қарасам, У

зотнинг олдиларида кўз етмайдиган даражада уовли ва пиёда одам кетмоқда. Ўнг томонларида ҳам худди шундоқ. Чап томонларида ҳам худди шундоқ. Орқа томонларида ҳам худди шундоқ.

Расулulloҳ алайҳиссалом орамизда кетмоқдалар. У зотга Қуръон нозил бўлиб турибди. У зот унинг таъвилини билиб туриблар. У Зот нима амал қилсалар биз ҳам қилиб турибмиз. Бас, У зот:

«Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка лаа шарийка лака лаббайк, иннал ҳамда, ван неъмата лака вал мулк. Лаа шарийка лак», деб тавҳид талбиясини айтдилар.

Одамлар ҳам шу, ўзлари айтиб юрган талбияни айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан бирор нарсани рад қилмадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз талбияларида давом этдилар.

Жобир розияллоҳу анху ўз сўзида давом этиб яна шуларни айтди:

«Ҳаждан бошқа нарсани ният қилмаган эдик. Умрани билмас эдик. Токи У зот билан Байтга етиб борганимизда, рукни истилом қилдилар. Уч марта рамл тўрт марта юриш билан тавоф қилдилар. Сўнгра Иброҳим алайҳиссаломнинг мақомларига бордилар. «Ва мақоми Иброҳимдан намозгоҳ тутинглар»ни қироат қилдилар. Кейин мақомни ўзлари билан Байтнинг орасида қилдилар. Икки рақъатда «Қул яаа айюҳал кафируун» билан «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни қироат қилдилар. Сўнгра рукнга қайтиб бориб уни истилом қилдилар.

Кейин эшикдан Сафога чиқдилар. Сафога яқинлашган вақтларида «Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг (дини) аломатларидандир»ни қироат қилдилар. «Аллоҳ бошлаган нарсдан бошланглар», дедилар. Сўнгра Сафодан бошладилар. Унинг устига Байтни кўрадиган бўлиб чиқдилар. Аллоҳга тавҳид ва такбир айтдилар ва:

«Лаа илаҳа иллаллоҳу. Ваҳдаҳу, лаа шарийка лаҳу. Лаҳул мулку валаҳул ҳамду. Ва ҳува ала кулли шайъин қодир. Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу. Анжаза ваъдаҳу. Ва насара абдаҳу. Ва ҳазамал аҳзаба ваҳдаҳу», дедилар. Шу орада дуо ҳам қилидлар. Ушбу нарсани уч марта айтдилар.

Кейин Марва томон юриб кетдилар. Қадамлари водийга тегиши билан тезлаб-шаҳдам саъйи қилдилар. Водийдан чиқиб оддий юриш қилдилар. Марвага келганларида Сафода қилганларидек қилдилар. Тавофлари охирига етиб Марвада турганларида:

«Агар ишни қайта бошлаганимда. Орқага қайтмас эдим. Қурбонлик ҳайдаб келмас эдим. Умрани ният қилар эдим. Сизлардан кимнинг атаган қурбонлиги бўлмаса, қилганини умрага айлантурсин», дедилар.

Суроқа ибн Молик:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, ушбу йилимизгами ёки абадийликками?» деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам панжаларини бир-бири ичига

киритиб туриб, «умра ҳажнинг ичига кирди», деб икки марта айтиб:

«Йўқ! Абадийга! Абадийга!» дедилар.

Али Ямандан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туяларини олиб келиб, Фотима розияллоҳу анҳонинг эҳромдан чиқиб, сурма қўйиб олганини кўриб инкор қилди. Шунда у:

«Отам менга шуни амр қилдилар», деди.

Али Ироқда юрганида:

«Ўшанда Фотиманинг қилган ишидан аччиқланиб, У зотдан у берган хабар ҳақида сўрагани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. Мен унинг ишини инкор қилганим ҳақида хабар бердим. Бас, У зот: «Рост айтибди. Рост айтибди. Ҳажни ният қилганингда нима деган эдинг?» дедилар.

«Эй, бор худоё! Расулинг нимани ният қилган бўлса ўшани ният қилдим, деб айтдим», дедим.

«Менинг атаган қурбонликларим бор. Эҳромдан чиқма», дедилар У зот.

Али Ямандан олиб келган қурбонликлар билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ила олиб келган қурбонликлар жам бўлиб юзта эди. Одамлар ҳаммалари эҳромдан чиқиб сочларини қисқартирдилар. Фақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва қурбонлиги борлар бундоқ қилмадилар.

Таврия куни бўлганда У зот Минога юзландилар ва ҳажни ният қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (уловга) миниб жўнадилар. У ерда Пешин, Аср, Шом, Хуфтон ва Бамдодни ўқидилар. Сўнгра қуёш чиққунча бир оз кутиб турдилар.

Кейин жундан бўлган қуббаларини Намирага тикишга амр қилдилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юриб кетдилар. Қурайшликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жоҳилият вақтида Қурайш турганидек, Машъарул Ҳаромда Вуқуф қилишларига ҳеч шубҳа қилмас эдилар. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтиб кетдилар ва Арафотга етиб бордилар. Қуббаларини Намирага тикиб қўйилганини кўриб, ўша ерга тушдилар.

Қуёш (қиёмдан) оққанда У зот Қасвони олиб келишга амр қилдилар. Унга миниб водийнинг ўртасига бордилар. Бас, одамларга хутба қилдилар:

«Албатта, қонларингиз ва молларингиз ушбу ойингиз, ушбу юртингиз ва ушбу кунингиз ҳурматидек ҳаромдир.

Огоҳ бўлинглар! Жоҳилиятнинг ишларида ҳар бир нарса менинг оёғим остига тўшалгандир. Жоҳилиятдаги қонлар қиймати ҳам тушди. Қонларимиздан биринчи бўлиб (қийматини) туширадиганим қон, Ибн Робийъа ибн ал-Ҳориснинг қонидир. Бани Саъддаги эмизиш учун берилган эди. Уни Ҳузайл (қабиласи) қатл қилди.

Жоҳилият рибосининг (қиймати) ҳам туширилгандир. Риболаримиздан биринчи бўлиб қийматини туширадиганим рибо, Аббос ибн Абдулмуттолибнинг рибосидир. Бас, унинг ҳаммаси туширилгандир.

Бас, аёллар ҳақида Аллоҳдан кўрқинглар! Чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олгансизлар. Уларнинг фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ҳалол қилиб олгансизлар. Сизлар учун уларнинг зиммасида сиз ёмон кўрган бирор кишига тўшакларингизни бостирмаслик мажбурияти бор. Агар ўшани қилсалар уларни ачитмайдиган қилиб уринглар. Улар учун сизнинг зиммангизда маъруф йўл билан ризқлари ва кийимлари мажбурияти бор.

Батаҳқиқ, мен сизларга маҳкам ушласангиз ундан сўнг ҳеч ҳам залолатга кетмайдиган нарсани қолдирдим. Аллоҳнинг китобини. Сизлар мен ҳақимда сўралурсизлар. Хўш, нима дейсизлар?» дедилар.

«Албатта, етказганингизга, адо этганингизга ва насиҳат қилганингизга гувоҳлик берамиз», дейишди.

Шунда У зот кўрсатгич бармоқларини осмонга кўтариб, кейин одамларга қаратиб тушириб туриб:

«Эй, бор Худоё! Ўзинг гувоҳ бўл!» деб уч марта айтдилар.

Сўнгра азон ва иқома айтдириб, Пешинни ўқидилар. Кейин яна иқома айтдириб, Асрни ўқидилар. Иккисининг орасида ҳеч нарса ўқимадилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (улов) миниб мавқифга бордилар. Туялари Қасвонинг қорнини тошларга қилдилар. Пиёдалар қаршиларида бўлиб қолди. У зот қиблага қараб турдилар. Шу туришларида қуёш ботунча турдилар.

Кейин Усомани орқаларига мингаштириб, қайтишни бошладилар. У зот Қасвонинг жиловини қаттиқ тортганларидан унинг боши эгарнинг қошига тегай деб қолди. У зот ўнг қўллари билан ишорат қилиб:

«Эй, одамлар! Сокин бўлинглар! Сокин бўлинглар!» дер эдилар. Қачон қум тепачалардан бирига келганда туя унга чиқиб олиши учун жиловни бир оз бўшатар эдилар.

Муздалифага етиб келганларидан кейин Шом ва Хуфтонни бир азон икки иқома билан ўқидилар. Икковлари орасида ҳеч нарса ўқимадилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тонг отгунча ёнбошладилар. Ўзларига субҳ аён бўлганида азон ва иқома билан Бамдодни ўқидилар.

Кейин Қасвога миниб Машъарул Ҳаромга келдилар. Қиблага қараб дуо қилдилар, такбир, таҳлил ва тавҳид сўзлари айтдилар. Тонг жуда ҳам

ёришгунча шу ҳолда турдилар.

Бас, қуёш чиқмасдан олдин жўнадилар. У зот Фазл ибн Аббосни мингаштириб олдилар. У гўзал сочли, оппоқ ва чиройли одам эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жўнаганларида аёллар (ҳавдажда) тезлаб ўтиб қолдилар. Фазл уларга назар сола бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини Фазлнинг юзига қўйдилар ва унинг назар солиб турган юзини бошқа томонга бурдилар. У зот Ботни Муҳассарга келганларида бир оз тезладилар.

Сўнгра Жамратул Куброга чиқадиган ўрта йўлга тушдилар. Дарахт олдидаги Жамрага келиб еттита тошни ҳар бирини отганда такбир айтиб отдилар.

Кейин бурилиб қурбонлик сўядиган жойга бордилар. Бас, олтмиш учта(қурбонлик)ни қўллари билан сўйдилар. Қолганларини Али сўйди. У зот уни қурбонликларига шерик қилдилар.

Сўнгра амр қилиб, ҳар бир туядан бир оздан гўшт олдириб, қозонга солдириб пиширтирдилар. Икковлари ундан еб, шўрвасидан ичдилар.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (уловга) миниб ифоза (тавоф) қилдилар. Маккада Пешинни ўқидилар. Замзам тарқатаётган Бани Абдулмуттолиблар олдига келиб:

«Тортинглар! Эй, Бани Абдулмуттолиблар! Агар одамлар сизнинг сувчилигингизга ёлиб келиб кетиши бўлмаганида мен ҳам сиз билан сув тортар эдим», дедилар. Улар бир пақирда сув узатишди. У зот ундан ичдилар». *Имом Муслим ва Абу Довудлар ривоят қилган.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажни тамом қилганларидан кейин Мадинаи Мунавварага қараб йўл олдилар.